O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 12 июль, № 133 (4032) Чоршанба

Тошкент чиройи





# ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПАР БУ УЙДА!

*Мамлакатимизда сўнгги йилларда йирик иншоотлар, муҳим йўллар ва кўприклар, миллат таълими ва маънавияти учун хизмат қилувчи бир-биридан гўзал муассасаларни айнан Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш ўзига хос анъанага айланди. Ўтган йил август ойининг сўнгги кунларида биргина пойтахтимизнинг ўзида Алишер Навоий номидаги миллий боғ, Тошкент марказий темир йўл вокзали, Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси, Жанубий вокзал ва Сирғали туманини боғловчи катта шоҳкўча ва кўприк сингари кўплаб иншоотлар Президентимиз Ислом Каримов иштирокида тантанали равишда очилган эди.*

Бугун мамлакат иқтисодиётининг ривожига, халқимиз маънавиятига хизмат қилаётган бу объектлар орасида Эски шаҳар даҳасида замонавий кўринишда барпо этилган Болалар ижодиёти уйи ҳам бор.

Иш бошлаганига ҳали йил ҳам тўлмаган ушбу ижод маркази пойтахтлик болажонларнинг севимли масканига айланиб бўлди. Ҳозирнинг ўзида Болалар ижодиёти уйининг доимий аъзолари сони салкам минг нафарга етди. Қувонарли жиҳати шундаки, мактаб ўқувчилари орасида масканнинг тез шуҳрат қозониши натижасида бу рақам кун сайин ортиб бормоқда.

Марказда 10 йўналиш бўйича 23 та турли тўгарак фаолият кўрсатаяпти. Ёш шоирлар ва журналистлар клуби, либос-дизайн, тасвирий санъат, ёғоч ўймакорлиги, радиоэлектроника, бадиий тўқиш, ёш моделер тўгараклари, шахмат клуби шулар жумласидандир.

Ижодиёт уйи раҳбарининг ўринбосари Зулфия Расулованинг сўзларига қараганда, Шайхонтоҳур туманидаги мактаблар қошида ҳам бадиий тўқиш, миллий кашта, наққошлик, миллий рақс, халқ чолғу асбоблари ва мақом сингари қўшимча тўгараклар ташкил этилган бўлиб, уларда 3 минг нафардан зиёд бола турли ҳунарларни зўр қизиқиш билан ўрганмоқда. Болалар ижодиёти уйи муваффақиятларининг асосий сабаби шундаки, авваллари ўқувчилар «боғлангандек» мажбуран олиб ўтириладиган тўгараклар энди қизиқарли, энг муҳими, керакли билим берадиган масканга айланди. Анъанавий йўналишлар билан бир қаторда, дизайн, фото ва видео, эстрада-вокал, радиоэлектроника, хореография, миниатюра, фольклор тўгаракларининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Дарвоқе, 18 метр баландликда — ижодиёт уйининг тепасида махсус барпо қилинган кузатув майдончаси ҳам болажонларни ўзига тортмоқда.

Ижодиёт уйига аъзо бўлган ўқувчилар ўзи истаган ҳунарни эгаллаш билан бир қаторда, қўшимча равишда инглиз ёки рус тили ҳамда компьютер саводхонлиги тўгаракларида сабоқ олади.

Тўгараклар орасида анча машҳур бўлиб кетганлари ҳам бор. Масалан, Содиқжон Файзиев устозлигида қадимий миллий миниатюра санъатимизни эгаллаётган болалар ясаган қутичалар Германия, Япония, Франция, Англия, араб мамлакатларидаги санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Радиоэлектроника тўгарагида эса бизнинг эътиборимизни болалардаги физика, техника, ихтирочилик соҳаларига нисбатан улкан иштиёқ ўзига тортди. Пайвандлаш мосламаси, электр ускуналар, осцилографларни бемалол ишлатаётган бу болакайлар

(Давоми 2-бетда).

# «НИҲОЛ» УЧУН БЕЛЛАШУВ

Мамлакатимизда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бунда таъсис этилган турли кўрик-танловлар, мусобақалар, фестиваллар муҳим ўрин тутади.

Кеча пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида шундай танловлардан бири — «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда ўттиздан ортиқ истеъдодлар иштирок этди. Анъанавий мусиқа ижрочилиги йўналиши бўйича Ботир Дўсимбетов, Фарҳод Қодиров, Зиёджон Рўзимов, мумтоз қўшиқ йўналишида Ҳилола Ҳамидова ва Озодбек Тилланазаров, опера йўналишида Муҳаббат Дўшанова, эстрада йўналишида Диёр Маҳкамов, Абдували Ражабов, Замира Орипова, Жасур Мирсоатовлар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

***

Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқа ва драма театрида "Ниҳол" кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи якунланди. Унда 67 нафар йигит-қиз санъатнинг беш йўналиши бўйича беллашди.

— Бу йилги кўрик-танлов чекка туман ва қишлоқлардаги ёш истеъдод эгаларини ҳам кашф этиш имконини берди, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Ф.Розиқов. — Танлов эндигина санъатга қадам қўяётган ёшлар учун камолот йўлидаги муҳим пиллапоя вазифасини ўтайди. Улар келгусида ўзбек санъати ривожига муносиб ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Кўрик-танлов якунига кўра, Самарқанд шаҳар марказий маданият уйи хонандаси Ҳилола Сатторова танловнинг эстрада йўналиши бўйича ғолиби деб топилди. Мумтоз ашула ижрочилиги бўйича Самарқанд санъат коллежи ўқитувчиси Мурод Рустамов, мусиқа йўналишида ҳам шу коллеж вакили Ҳалим Шароповларнинг иқтидори юқори баҳоланди. Пайариқ туман маданият уйи раққосаси Дилфуза Бойматова ўз йўналишида ғолиб чиққан бўлса, Нуробод тумани маданият уйи вакиласи Шоира Турсунова опера йўналишида биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

**А.ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Марказнинг электрон сайти



*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш лойиҳаси ташаббуси билан Тоза ишлаб чиқариш марказининг (www.ncpc.uz) электрон сайти яратилди.*

Таъкидлаш жоизки, Тоза ишлаб чиқариш маркази 2001 йилдан буён юртимизда фаолият кўрсатиб келмоқда. У ишлаб чиқаришда сифатни оширишнинг халқаро усулларини мамлакатимиз саноатига татбиқ этиш билан шуғулланади. Мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш, тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришга доир кўплаб маълумотлар марказ сайтига жойлаштирилди.

Мазкур сайтни яратишдан асосий мақсад мамлакатимиздаги саноат корхоналарининг экологик аҳволи ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳақида ҳаққоний ахборот тарқатишдир.

**Юлдуз РИЗАЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Қарор ва ижро

# «КВАРЦ»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Қувасой шаҳридаги "Кварц" очиқ акциядорлик жамиятида шиша идиш ишлаб чиқарувчи янги линия ўрнатилгани иш унумдорлигини янада ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имконини бермоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлда қабул қилинган "Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, корхонамизда халқаро ISO 9001: 2000 сифат менежменти тизимининг жорий қилингани маҳсулотларимиз рақобатбардошлиги ва харидоргирлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди "Кварц" ОАЖ бошқаруви раиси Маъруф Тиллахўжаев. — Халқаро сифат сертификати корхонамиз мавқеининг ташқи ва ички бозорда мустаҳкамланиши ҳамда маҳсулотларимизга бўлган талабнинг янада ортишига хизмат қилаяпти.

Корхона маҳсулотларидан минтақа мамлакатларининг консерва ишлаб чиқарувчи заводларида, айниқса, кенг фойдаланилаётир. Бу экспорт ҳажмини муттасил ошириш имконини бермоқда. Ўтган йили салкам 1,8 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилган корхона жамоаси жорий йилнинг биринчи ярмида бу рақамни 1,5 миллионга етказди.

**Акмал НАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ИСТИҚЛОЛ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА




*Мустақиллик ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо неъматки, уни Ватаннинг ҳар бир фарзанди дил-дилидан ҳис этгандагина қудратли кучга айланади. Шу боисдан турли ёшдаги юртдошларимизга қуйидаги савол билан мурожаат қилдик:*

**«Сиз ўз ҳаётингизда мустақиллик шарофатини нималарда сездингиз?»**

# ҚАТРАДА АКС ЭТГАН ҚУЁШ

**Аҳмаджон ТОШБЕКОВ,**
**Косонсой тумани, 54 ёш:**

*— Ҳар қадамда сезаман. Кўчаларни тўлдириб юрган Ўзбекистон автомашиналарини олинг. Истиқлолга эришмаганимизда, билмадим, қандай ҳол бўлишини тасаввур қилолмайман.*

**Дилмурод МУРОДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳри, 24 ёш:**

*— Хорижга чиқиб, ўқиб келиш насиб этди. Дунё кўрдим. Мусофирчиликда Ватаннинг қадрини янада чуқурроқ ҳис қилдим. Ота-онам ўз орзу-умидларини менинг камолимда кўриб, бошлари осмонга етаяпти.*

**Мақсудахон ФАЙЗИЕВА,**
**Олтиариқ тумани, 80 ёш:**

*— Мусулмончиликнинг фарзларидан бири — муборак Ҳаж зиёратида бўлиб қайтдим. Истиқлол туфайли бизга мана шундай имконият яратиб берилди. Ҳар гал қўлимизни дуога очганимизда, албатта, шундай қутлуғ кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтамиз. Илгари қанча-дан-қанча юртдошларимизнинг орзуси армон бўлиб қолганди.*

**Жовли САМАДОВ,**
**Шеробод тумани, 47 ёш:**

*— Ер эгаси — фермер бўлдим. Каттагина мулк соҳибиман. Ишлаш учун барча шароит бор. Асосийси, ишимиз маънисига тушуниб, яйраб-яшнаб меҳнат қилаяпмиз. Бундан ортиқ яна нима керак?*

**Гулнора ОДИЛОВА,**
**Шаҳрисабз тумани, 43 ёш:**

*— Буни мен миллий анъаналаримизни сақлаб қолишга, асраб-авайлашга катта эътибор берилаётганида сезаман. Каштачилик билан шуғулланамиз, табиий ипакдан дўппи, сўзана, миллий либослар тикамиз. Рағбат ҳам шунга яраша. Масалан, "Ташаббус-2006" кўрик-танловида "Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича ғолиб бўлдим. Президент совринини олдим. Орзуим ушалди.*

**Юлдуз ҲАМРОҚУЛОВА,**
**Жиззах шаҳри, 17 ёш:**

*— Ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликда ҳис қиламан. 15 ёшимда Испаниянинг Кальвиа шаҳрида ўтказилган шахмат олимпиадасида муваффақиятли қатнашдим. ФИДЕ спорт устаси унвонига эга бўлдим. Ўтган йили Белфорт шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгалладим. Буларнинг ҳаммасини мустақиллик шарофати деб биламан.*



**Данабой ЭШБОЕВ,**
**Қўшработ тумани, 50 ёш:**

*— Маҳаллаларимизнинг ўрни, мавқеи янада ошди. Одамларимизнинг дунёқараши кенгайди.*

**"Халқ сўзи" мухбири**
**Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.**

# Террорчи йўқ қилинди

**Россия Федерал Хавфсизлик хизмати раҳбари Николай Патрушев мамлакатда энг хавфли террорчи ҳисобланган Шамил Басаев жорий йил 10 июль куни Ингушетиядаги Экажево аҳоли пунктида ўлдирилганлигини расман билдирди.**

Унинг сўзларига қараганда, мамлакат хавфсизлик кучлари томонидан тунда ўтказилган махсус амалиёт чоғида террорчи бир гуруҳ сафдошлари билан йўқ қилинган. Экстремистларнинг сайтларидан бирида эълон қилинган хабарда ҳам жангарилар Шамил Басаевнинг ўлимини тасдиқлаган. Россия Жанубий федерал округи вакилининг таъкидлашича, унинг қаерда эканлиги қўл телефони орқали аниқланган ва ўша ерга ракета зарбалари йўлланган. Эндиликда террорчининг жасади экспертизадан ўтказиш учун Ростов-Донга келтирилади.

Басаев 1995 йилда Будёновск шаҳрида тинч аҳолини гаровга олганликда ҳамда 2002 йили қарийб 130 нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлган Москвадаги «Норд-Ост» театридаги гаровга олишни уюштирганликда айбланганди.

Россия Президенти Владимир Путин ушбу воқеага ўз муносабатини билдирар экан, террорчининг ўлимини Беслан, Будёновск, шунингдек, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари учун муносиб интиқомдир, деб изоҳлади.

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

кўрик-танлови

*Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳаммамиз учун энг азиз бўлмиш она-Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида анъанавий "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловига барча ижодкорларни таклиф этади.*

Кўрик-танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда қуйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим: Мустақиллик, Озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий- маърифий ҳаётидаги ислоҳотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар. Миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиши. Она-Ватанга муҳаббат ва садоқат. Миллий ғурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар. Кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари. Фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчанлик йўлида изланаётган замондошларимиз қиёфаси. Мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари. Буюк истиқлол туфайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар кўлами.

Кўрик-танлов ҳайъати томонидан аниқланган ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги байрами арафасида мукофотланади ва матбуотда эълон қилинади. Танлов ғолибларини қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Ижодий ишлар "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови"га деб кўрсатилган ҳолда икки нусхада 2006 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

*700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.*
*Ўзбекистон Республикаси*
*"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси,*
*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.*
*Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64; 144-37-87; 144-64-62*

## Умуммиллий дастур — амалда



***Ўтган йили тубдан қайта қурилган Чиноз туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактаби замонавий кўринишга эга бўлиб, бу даргоҳда ўқиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ўқув маскани янги парталар, мебеллар, стол-стуллар ва зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Мактабнинг синф хоналари билан танишган киши, бу ердаги шарт-шароитга фақатгина ҳавас қилади.***

# КЕЛАЖАК МАКТАБДА ЯРАТИЛАДИ

— Тўғрисини айтиш керак, — дейди мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Роза Акрамова. — Мактаб таълимига ҳозиргидай эътибор, ғамхўрликни кўрмаганмиз. Масалан, биргина кимё кабинетини олиб кўрайлик. Бу ерда фанни ўқитиш, лаборатория машғулотларини ўтказиш учун барча жиҳозлар мавжуд. Бундай қулай шароитда таълим олиш ўқувчиларда илм-фанга муносабатни янада кучайтиради. Энг асосийси, давлатимиз бундай қулайлик учун маблағни аямаяпти. Ойлик маошларимиз кейинги йилларда бир неча марта оширилди. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг уй вазифаларини текшириш, тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар учун устама ҳақ тўланадиган бўлди. Бундай ғамхўрлик бизга албатта, катта масъулият юклайди, унга жавобан куч-ғайрат билан меҳнат қилишимиз керак.

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан қабул қилинган "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммилий дастури"га кўра, туманда шу кунгача битта мактаб янгидан қурилди, саккизтаси эса тубдан қайта бунёд этилди ҳамда таъмирдан чиқарилди. Ҳозир уларнинг барчаси замонавий мебеллар билан таъминланган.

Жорий йилда эса олтита мактабда тубдан қайта таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Ишнинг боришини туман ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси қатъий назоратга олган бўлиб, ҳар ўн кунда бажарилган ишлар тўғрисида мутасадди идораларга маълумотлар берилади.

Биз тубдан қайта қурилаётган ўқув масканларидан бири — Олмазор қўрғонидаги 5-мактабда бўлиб, ишларнинг қандай боришига қизиқдик. Қурилишни "Эрта" масъулияти чекланган жамияти бажармоқда. Жамоа аъзоларидан 60 киши бу ерда меҳнат қилади.

— Ҳозир қурилиш ишлари охирлаб қолди. Пардозлаш ва ҳовлини ободонлаштириш ишлари билан бандмиз, — дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари Адҳам Олтаев. — Мактаб биносини режада кўзда тутилган муддатда буюртмачига топширамиз. Ишимизда муаммо йўқ. Маблағ етарли, барча қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб беріляпти.

Мутасаддиларнинг айтишича, "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммилий дастури"га биноан тумандаги мавжуд 48 та умумтаълим мактабининг фақат биттаси тубдан қайта қурилмайди, холос. Сабаби ушбу ўқув маскани бундан уч йил илгари мукаммал таъмирланган эди.

Умуман дастурда халқ таълимини ривожлантиришга катта эътибор берилган бўлиб, бешта йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлар белгилаб берилган. Улардан бири мактабларни замонавий мебеллар, парталар, фан кабинетлари ва лабораторияларни жиҳозлар, компьютерлар ва спорт анжомлари билан таъминлаш ҳисобланади. Бу борада қилинаётган ишлар ҳам қувонарлидир. Масалан, биргина ўтган йили 433,5 миллион сўмликдан зиёд мебеллар ва жиҳозлар олиб келинди.

Дастурда кўзда тутилганидек, ўқитувчиларнинг ойлик маошларини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Мазкур йўналишда қабул қилинган ҳукумат қарорларига мувофиқ барча мактабларда махсус комиссиялар тузилган бўлиб, улар педагогларнинг касб маҳорати, тарбиявий ва синфдан ташқари ишларда иштирок этишига қараб устама ҳақ тўлашни йўлга қўйган. Ҳозир 502 ўқитувчи ана шундай имкониятдан фойдаланмоқда. Бу тумандаги педагоглар умумий сонининг 33,3 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари ҳар бир мактабда ташкил этилган "Директор жамғармаси" томонидан ҳам ўқитувчиларга моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Туман халқ таълимида ёш авлодни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш масаласи юзасидан муайян ишлар қилинганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ўтган йили 6 ва 26- мактабларнинг спорт залларини тубдан қайта қуришга маблағ ажратди ва уларни 15 миллион сўмлик 32 турдаги спорт анжомлари билан таъминлади. Шу билан бирга, Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига зарур анжомлар сотиб олиш учун 950 минг сўм маблағ ажратилди. Учта ўқув даргоҳига бюджет маблағи ҳисобидан 24 миллион сўмлик спорт жиҳозлари харид қилинди.

— Ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрлигидан минатдормиз, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Дурумбетов. — Энг муҳими, йилдан-йилга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар миқдори кўпайиб бормоқда. Амалга оширалаётган кенг кўламдаги бундай хайрли ишларда ҳомийларнинг ёрдамини ҳам албатта, таъкидлаб ўтиш зарур. Бунда, айниқса, туман ҳокимлигининг кўмаги катта бўлмоқда.

Халқимизда шундай нақл бор: "Агар биз ишни бир йилга режалаштирсак, дон сочамиз, ўн йилга режалаштирсак, дарахт экамиз, бутун умрга режалаштирсак, ёш авлодни ўқитамиз ва тарбиялаймиз". Мамлакатимиз халқ таълимида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар гўё юқоридаги мақолга ҳамоҳангдай.

Биз пойтахт вилоятининг Чиноз туманидаги халқ таълими соҳасида қилинаётган ишлар билан танишиб, қониқиш ҳосил қилдик. Зеро, кейинги пайтда республикамиз шаҳар ва қишлоқларида шу йўналиш бўйича Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар асосида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси фикримизни яна бир карра исботлайди.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


## СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ**

**СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ**

***2006 — 2007 ўқув йили учун бакалавриат босқичининг «Солиқлар ва солиққа тортиш» таълим йўналиши бўйича ўзбек ва рус гуруҳларига абитуриентларни ўқишга қабул қилмоқда***

**Солиқ академиясига бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича ўқитиш учун Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежлари битирувчилари қаторида иқтисодий йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг битирувчилари ҳам ўрнатилган ягона тартиб ва танлов асосида қабул қилинади. Ўқишга кирмоқчи бўлганлар академиянинг қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

- **ариза;**
- **ўрта ёки ўрта-махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;**
- **№ 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;**
- **паспорт нусхаси;**
- **3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.**

**Абитуриент томонидан паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.**

**Ҳужжатлар 2006 йилнинг 20 июлигача қабул қилинади.**

**Манзилимиз: Тошкент ш., Учтепа тумани, Собир Юсупов к., 3-уй. Телефон: 173-49-70.**

***ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ***



## ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**ҚУЙИДАГИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ЛАВОЗИМЛАРИГА ШАРТНОМА АСОСИДА**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| | |
|---|---|
| **Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси:** | катта ўқитувчи, ассистент. |
| **Нефть-газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси:** | профессор, доцент, ассистент. |
| **Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси:** | профессор, доцент. |
| **Органик кимё ва оғир органик синтез технологияси кафедраси:** | ассистент, катта ўқитувчи. |
| **Умумий кимё кафедраси:** | доцент. |
| **Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси:** | доцент, катта ўқитувчи, ассистент. |
| **Аналитик кимё ва нодир металлар технологияси кафедраси:** | профессор, ассистент. |
| **Саноат экологияси кафедраси:** | доцент, катта ўқитувчи, ассистент. |
| **Технологик жараёнлар ва қурилмалар кафедраси:** | ассистент, катта ўқитувчи. |
| **Ёғ, мой ва дон маҳсулотлари технологияси кафедраси:** | катта ўқитувчи, ассистент. |
| **Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси кафедраси:** | катта ўқитувчи, ассистент. |
| **Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси:** | кафедра мудири, катта ўқитувчи. |
| **Биотехнология кафедраси:** | кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент. |
| **Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси:** | катта ўқитувчи. |
| **Тиллар кафедраси:** | катта ўқитувчи, ўқитувчи. |
| **Саноат менежменти кафедраси:** | профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент. |
| **Саноат маркетинги кафедраси:** | доцент, кафедра мудири. |
| **Касбий таълим кафедраси:** | доцент, катта ўқитувчи, ассистент. |
| **Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси:** | катта ўқитувчи, ўқитувчи. |
| **Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси:** | катта ўқитувчи, ўқитувчи. |
| **Олий математика кафедраси:** | доцент, катта ўқитувчи. |
| **Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси:** | катта ўқитувчи, ўқитувчи. |
| **Физика ва электротехника кафедраси:** | катта ўқитувчи. |
| **Механика асослари ва муҳандислик графикаси кафедраси:** | катта ўқитувчи, ассистент. |

**Манзил: 700011, Тошкент ш., Навоий к., 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 144-79-31.**


## Таътил

***Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида 241-мактабда «Салом» номли янги оромгоҳ ташкил қилинди.***

### Барча шароит муҳайё

— Мазкур оромгоҳнинг ташкил қилиниши айни муддао бўлди, — дейди унинг раҳбари Азиза Юлдашева. — Болаларнинг ёзги дам олиш кунлари сермазмун, мароқли ва эсда қоларли даражада ўтиши учун барча шарт-шароитлар кўнгилдагилек яратилган. Асосийси, уларнинг мароқли дам олаётган лаҳзалари кейинги ҳаёт йўлларида ҳам шуъланиб акс этиб туришини истаймиз.

Дарҳақиқат, «Салом» оромгоҳида болажонларнинг. яйраб-қувнашлари учун шароитлар кўнгилдагидек муҳайё қилинган. Уларнинг бўш вақтлари унумли ўтиши, бирор бир ҳунарни эгаллашлари учун, дам олиш масканида ёш математиклар, зардўзлик, каштачилик, бичиш-тикиш, инглиз тили ва спорт тўгараклари ташкил қилинган. Деярли ҳар куни турли хил мусобақалар, мушоира кечалари, «Менга ўзинг ҳақингда гапириб бер», «Асфальтга расм чизиш» каби иқтидорларини чархлайдиган ўйинлар ўтказиб турилади.

Оромгоҳда яқинда «Гиёҳвандликка ўрин йўқ» мавзуида ўтказилган тадбир фикримизнинг ёрқин мисолидир. Тадбирда шифокор мутахассислар гиёҳвандликнинг зарарли иллатлари, ҳаёт учун хавфли бўлган томонлари ҳақида сўзладилар. Шундан сўнг «Гиёҳвандлик — офат» деб номланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

— Бугунги кунда оромгоҳда 375 нафар бола уч сменада, уч гуруҳга бўлинган ҳолда дам олмоқда. Ҳар бир гуруҳда 125 тадан бола бор. Уларга 15 нафар тарбиячи, ходимлар бошқош.

Ёзнинг қуёшли кунларида яйраб, қувнаб, шод-хуррам дам олаётган болажонларнинг қувончлари чексиздир.

**Нозима АКРАМОВА.**

## *Газеталарни варақлаганда* ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

**«Ўзбекистон овози» 11 июль.**
**Иброҳим Жонузоқов «Маҳаллага янги раис сайланди»:**

«Ишларимиз кўп, ташвишларимиз ҳам. Баъзан барчасига улгуриш учун йигирма тўрт соат ҳам етмаётгандай. Аммо, бир нарса билакка куч, оёққа мадор, юракка қувват берар эканки, баъзан унинг нималигини ҳис қилгандай бўламан. Назаримда, бу нарса элнинг, одамлар, ҳамқишлоқларнинг ишончи, қишлоғингга, халқингга, юртингга бўлган меҳр-муҳаббатга ўхшайди. Айни пайтда шу ишонч, шу меҳр мен каби миллионлаб юртдошларим зиммасига юксак масъулият, ислоҳотлар тақдири, мамлакат келажаги учун жавобгарлик ҳиссини ҳам юкламаяптимикан деб ўйлайман».

**«Фидокор» 11 июль.**
**Дилдор Газиева «Фидойилик — келажак асоси»:**

«Айни пайтда кўплаб замонавий технологияларга асосланган мутахассисликларни эгаллашга, бир неча хорижий тилларни билишга интилаётган йигит-қизларни кўриб қалбинг фахр-ифтихорга тўлади. Аммо, айрим ёшларнинг енгил-елпи йўллар билан ўз мақсадларига эришиш учун ҳеч нарсадан тап тортмаётганликлари кишини ўйлантиради. Масалан, биз нима учун ўқиймиз? Диплом учунми ёки миллат, мамлакат, жамият корига ярай оладиган, Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этишга ўз ҳиссасини қўша оладиган мутахассис бўлиш учунми? Афсуски, айрим ҳолларда ёш йигит-қизларни зўр мутахассис бўлишдан кўра кўпроқ нуфузли ўқув даргоҳларга кириб ўқиш, диплом олишгина қизиқтиради. Ахир, диплом бизнинг мутахассислигимизни тасдиқлайдиган восита холос-ку!

Фидойилик, фидокорлик ҳар бир инсоннинг ўз шахсий тор манфаати доирасидан чиқиб миллат, Ватан манфаати учун хизмат қила олиш салоҳиятидир».

**«Қишлоқ ҳаёти» 11 июль.**
**Сардор Аъзамов «Заҳар ўрнига - шакардек ҳаёт»:**

«Маълумки, иқтисодий юксалиш доим ҳам чет эл сармояларига боғлиқ бўлавермайди. Шундай соҳалар борки, улар анъанавий тараққиёт йўлидан ривожланганда-гина ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради. Бинобарин, асрлар мобайнида аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган ҳунармандчилик, тўқимачилик каби соҳалар миллий қадриятларимиз асосини ташкил этар экан, улардан замон талабларига мос равишда фойдалансак, айни муддаодир.

Олис Таиландда кўрган-билганларимиз бизда ана шундай мулоҳазаларни уйғотди».

**«Инсон ва қонун» 11 июль.**
**Икромжон Шайманов, Собир Ёдиков**
**«Муттаҳамнинг «парвози»:**

«Албатта, фирибгар ўз қилмишига яраша қонуний жазо олди. Бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин шу ўринда кишини масаланинг бошқа бир жиҳати ўйлантиради. Гап шундаки, бир шаҳарда яшаб, кўпни кўрган, оқ-қоранинг фарқига борадиган одамлар бир товламачи кимсанинг қуруқ ваъдаларига ишониб, пулларини қўшқўллаб топширгани кишини ҳайрон қолдиради. Аслида бундай ишонувчанлик, воқеа-ҳодисаларга лоқайд ва эътиборсиз қараш ҳаётда фирибгарлик сингари иллатларнинг учрашига сабаб бўлиши турган гап».

# МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ

## Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

***Мустақилликка эришганимиздан сўнг Юртбошимиз бозор муносабатларига ўтиш ва янги жамият қуришнинг беш тамойилини белгилаб берган эди. Улардан бири — қонун устуворлигини таъминлаш. Бунда, маълумки, судлов тизимининг ўрни беқиёс. Шу боис, бошқа соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони катта аҳамият касб этади. Мазкур Фармонга кўра, судлар ихтисослашуви жорий этилиб, фуқаролик ишлари бўйича алоҳида суд ташкил этилди. Бу фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатини янада кучайтириши баробарида судларда ишларни сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўша йилнинг ўзидаёқ янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун ҳам қабул қилинди.***

Таъкидлаш лозимки, мазкур қонун тизимни ислоҳ қилишда муҳим омил бўлди. Унда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида орттирилган тажрибалар умумлаштирилди, судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит яратилди.

Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, жиноят-процессуал қонунчилигига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритилди, процессуал қонунчиликнинг энг муҳим институтларидан бири — ишларни апелляция босқичида кўриб чиқилишининг ўзига хос жиҳатлари тартибга солинди.

Ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш институтининг жорий этилиши судда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни ўз вақтида тузатиш учун қўшимча кафолат берди. Бу эса, ўз навбатида, судлар ихтисослашуви жорий этилишининг мантиқий давоми бўлди. Натижада, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги Концепцияси амалда жорий этилди». Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя этишда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, чин маънода суд мустақиллигига эришиш йўлидаги амалий ишлардир.

Шу ўринда, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўн учинчи сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳақида тўхталиш лозим бўлади. Унга мувофиқ бир қатор қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) «Буйруқ тартибида иш юритиш» деб номланган алоҳида $20^1$-боб билан тўлдирилди.

Фуқаролик жамияти сари борар эканмиз, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самаралироқ шаклларини соддалаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Фуқаролик процессуал кодексига киритилган «Суд буйруғи тартибида иш юритиш» шу соддалаштиришнинг амалий кўринишидир.

Суд буйруғи институтининг мақсади айрим тоифадаги фуқаролик ишларини кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, суд ҳимояси унумлилигини ошириш ҳамда ортиқча сансалорликка барҳам беришдан иборат.

ФПКнинг $20^1$-бобида асосан низосиз бўлган талабларни суд томонидан мазмунан кўриб чиқишнинг янги шакли ифода этилган. Дейлик, икки фуқаро ўртасидаги муайян битим нотариал тартибда тасдиқланган. Битим юзасидан вужудга келган низони иккала томон ҳам тан олмоқда. Бундай ҳолатда суд ишни умумий тартибда кўриб чиқмайди, яъни томонларнинг кўргазмаларидан ташқари ишга гувоҳларни жалб этишга эҳтиёж йўқ. Бунда суд Ҳал қилув қарори қабул қилмай, суд буйруғи чиқаради. Кўринадики, бундай жараён анча содда.

Суд буйруғи — ижро ҳужжати кучига эга ва у суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суд буйруғи қуйидаги ҳолатларда берилади:

1) агар талаб нотариал тарзда тасдиқланган битимга асосланган бўлса;

2) агар талаб ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган бўлса;

3) агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинганда (ариза берилганда).

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза судловга тааллуқлиликнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади. Ариза аризачи томонидан имзоланади, вакил томонидан тақдим этилаётган (имзоланган) аризага унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

Суд буйруғини бериш ҳақидаги талаб билан чиқиш аризачи (даъвогар)нинг ихтиёридадир, у умумий тартибда ҳам даъво қилиши мумкин. Лекин, таъкидлаш жоиз, суд буйруғини бериш ҳақида ариза берилганда аризачи (даъвогар) биринчи навбатда вақтдан ютади, ишни сансалорликсиз кўрилишига олиб келади ва унинг ижроси ҳам тез амалга оширилади.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза берувчидан белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг $238^7$-моддаси талабига кўра, суд буйруғи ариза судга келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида судья томонидан чиқарилади. Суд буйруғи чиқарилганидан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юборади ва қарздор уни олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида ўз эътирозларини судга юборишга ҳақли.

Агар белгиланган муддатда суд буйруғига нисбатан томонлардан эътироз тушса, у (суд буйруғи) бекор қилиниб, бу ҳақда ажрим чиқарилади. Ажримда судья аризачи (даъвогар)га масалани даъво ишларини юритиш тартибида судга мурожаат этиб ҳал қилиш мумкинлигини тушунтиради.

Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажрим уч кундан кечиктирмай тарафларга юборилади.

Агар белгиланган муддатда судга эътироз тушмаса, суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғи ижрога қаратилади.

**Абдурасул МАДРАҲИМОВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди раиси.**

# «ҚОЯЛАРДЕК ЖИМ ЯШАЙ ОЛМАЙМАН»

***Мамлакатимиз вилоятларида жуда кўплаб истеъдодлар яшаб ижод қилишади. Улар адабиёт ва санъат борасида ўзига хос ибрат мактабини яратиб, ёшлар орасида ажойиб муҳитни вужудга келтиришмоқда. Пойтахтдан олисдаги иқтидор соҳибларини газетхонларимизга яқиндан таништириш мақсадида «Ижодий муҳит яратаётганлар» рукнини очдик. Қуйида илк мақола ихтиёрингизга ҳавола этилмоқда.***



**ЯНГИ РУКН: ИЖОДИЙ МУҲИТ ЯРАТАЁТГАНЛАР**

Бугун шоир, адиб, таржимон ва салоҳиятли журналист сифатида танилган Қамчибек Кенжа ижодини шеър ёзишдан бошлаган. Унинг илк шеъри Избоскан туман газетасида босилган эди:

*Ён, юрагим, ён,*
*Қийналсин бу жон.*
*Куйиб-ёнмоққа*
*Келган-ку инсон.*

*Ёну тутама,*
*Бекин, бетаъма.*
*Шунда сен билан*
*Яшаб ўтаман.*

Ушбу сатрларда шоирнинг бутун ижодий йўли, ҳаётга муносабати рўйирост айтиб қўйилгандай. Ижодий эътиқоднинг шаклланиши, унга ўзини бутунлай бахшида қилиш, «Бекин ва бетаъма» умр ўтказиш комилликнинг асосий манзараларидир. Бу покиза туйғу кейинчалик шоирни катта ижодкор сифатида бизга таништирди, дўст қилди.

Кейинроқ ёзилган «Эртак» номли шеърида эса катта ижтимоий ҳодиса — колхозчи ўзбек аёлининг аянчли тақдири, оила, турмуш тарзи, бола тарбияси, ўзига хос йўсинда тасвир этилади. Шоир онаси бошқа шоирларнинг оналаридай эртак айтиб беролмас экан, чунки у саҳар туриб беланчак қўлтиқлаб, далага чопар, кеч қайтар, оқшом эса жўхори унидан хамир қориб, ярим кечада тандирга нон ёпарди. Тонг ёриши билан яна колхоз даласига жўнайди:

*Бир зум мудрар,*
*Мудрарди фақат*
*Суянганча бешикка...*
*Тирик гувоҳ — Зуҳро юлдузи;*
*Эртак эди онамнинг ўзи.*

Шоир юрагидан тўкилган туйғулар ҳосиласи, фалсафий фикрлар ечими пухта хулосали шеърлар анчагина. Қамчибек Кенжа шеъриятининг асосий мавзуларидан бири — инсоний муҳаббатдир. Унинг «Муҳаббатни гуноҳ десалар», «Кутилмаган меҳмон», «Яна хавотир», «Ёз ёмғири», «Манзара», «Севмаган одам», «Соғинч» номли шеърлари фикримизни исботлайди.

Кейинги йилларда шоир ғазал жанрида қалам тебрата бошлади. Аруз вазнининг у ёки бу баҳрига мурожаат этиб, бир қатор кўркам, самимий ғазаллар ижод қилди. «Армоним бор дема», «Уйқу», «Бўлган эмас», «Сабр», «Уста Йўлбарс» каби ғазаллар маҳорат билан ёзилган.

Хулоса шуки, унинг шеърияти ўзига хос бир боғни эслатади. Унда ранг-баранг, анвойи гуллар, янги, гўзал манзаралар ўқувчини ўзига ром этади.

Ижодкор насрда ҳам истеъдодини намоён қилиб келаётган адибларимиздан биридир. Дастлабки ҳикояларидан «Балиқ ови» аллақачон тилга тушган эди. Шунингдек, ўнлаб ҳикоялари, айниқса «Кулча» ҳикоячалари кўп сонли китобхонлар диққатига сазовор. «Ўн йилдан сўнг», «Тоғ йўлида бир оқшом» каби қиссалари ҳам яхши асарлар жумласига киради.

Ёзувчи Бобур номли Халқаро илмий экспедиция аъзоси сифатида Бобур ва Бобурийлар меросини ахтариб, дунёнинг ярмини кезиб чиқди. У босиб ўтган йўл бир неча минг километрни ташкил қилади. Ажойиб, жаҳонгашта инсон Зокиржон ака Машрабов раҳбарлигида бутун Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Ироқ, Хитой каби Шарқ мамлакатлари бўйлаб ижодий сафар қилишга муяссар бўлди. Дунё кўрди, турфа хил воқеалар, одамлар, урф-одатлар, турли миллату элатлар, шаҳару қишлоқлар манзаралари билан танишди. Буюк аждодларимизнинг мусофир ерларда қолиб кетган муқаддас қабрларини зиёрат қилди, юрагига нурли туйғуларни жойлаб, одам ва олам ҳақидаги бой тафаккури янада ёрқинлашди. Миллатимиз учун армон бўлиб қолган улуғ шоир ва шоҳ Бобурнинг илмий, адабий меросини, ҳанузгача бизга маълум бўлмаган айрим томонларини ойдинлаштириш, янги асарларини излаб топиш, она Ватанга қайтариб олиб келиш соҳасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган талантли адиб таассуротларини тўрт жилдлик «Сафарнома» асарида жамлади.

Қамчибек бир шеърида «Қоялардек жим яшай олмайман», деган сатрни битган эди. Дарҳақиқат, у чин маънодаги заҳматкаш ижодкор, ҳаётга синчков назар билан қараб, керакли нуқталарни топиб ёзадиган қаламкаш. Унинг асарлари ўзи каби самимий, дилга озор бермайдиган, аммо ўқувчиларга ҳаётий сир-синоатларни тушунтира олиш қувватига эга. А. Пушкин, Ҳ. Хейне, В. Брюсов, М. Светлов, В. Фирсов, Н. Ислом, О. Шероз, Ф.Файз каби жаҳон шоирлари ижодидан ўзбекчага ўгирган таржималари унинг бу соҳада ҳам қобилиятли эканлигидан далолатдир.

Қамчибек дўстлик, биродарликни қадрловчи, вафога вафо билан, оқибатга оқибат билан жавоб бера оладиган кўнгли кенг инсон. Халқининг, эл-юртининг корига ярайдиган ва уни чин маънода сева оладиган беминнат адиб. У 20 йиллар давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими масъул котиби вазифасида фаолият кўрсатди, ёш ижодкорларнинг яқин маслаҳатгўйи сифатида обрў-эътибор топди.

У бугун айни камолот довонида туриб, юксак чўққиларни кўзламоқда. Қалби пок, қалами пишиқ ижодкорнинг ниятлари албатта ижобат бўлғай.

**Тўлан НИЗОМ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

**Суратда: мақола муаллифи шоир Қамчибек Кенжа (чапда) билан.**

# Спорт

## Фестиваль ғолиблари аниқланди

***Мамлакатимизда бир неча йилдан буён аёллар ўртасида ўтказиб келинаётган шахмат фестивали иқтидорли спортчиларни кашф этишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда.***

***Пойтахтимизда якунланган IV аёллар фестивалида 36 нафар шахматчи баҳс юритди. Мусобақа ғолиби номи сўнгги тўққизинчи турда маълум бўлди. Ушбу турда фарғоналик Нафиса Мўминова тошкентлик Шаҳноза Собировани мағлубиятга учратиб, очколарини 7,5 тага етказиб олди ва фестиваль ғолиби бўлди. Иккинчи ўрин пойтахтлик Ольга Собировага, учинчи ўрин эса жиззахлик Юлдуз Ҳамроқуловага насиб этди.***

**Назокат МУҲИДДИНОВА.**

## Навбатдаги рақиб Гонконг

***Маълумки, 16 август куни футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш учрашуви бўлиб ўтади.***

***Шу куни Тошкентда Ўзбекистон терма жамоаси Гонконг футболчиларини қабул қилади. Гонконг терма жамоаси ўз фаолиятидаги энг юқори натижага 1956 йилда эришган. Ўша йили шу юрт футболчилари Осиё кубогининг бронза медали совриндори бўлишган. Ҳозир иккала терма жамоа ҳам гуруҳда бир хил очко жамғариб, иккинчи ва учинчи ўринни бўлишиб туришибди. Биринчи ўринни икки учрашувдан олти очко жамғарган Қатар мамлакати футболчилари эгаллаб туришибди. Улар 16 август куни ҳали бирорта очко тўпламаган Бангладеш футболчиларига қарши майдонга тушадилар.***

***ЎФФ ахборот-таҳлил бўлимидан олинган хабарда айтилишича, Ўзбекистон — Гонконг учрашувини кувайтлик ҳакамлар бошқаради.***

**Рустам СОЛИЕВ.**


**УНЛИ ҚАНДОЛАТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН**

**ТАБИИЙ ЭМУЛЬГАТОР ВА ЛЕЦИТИН АСОСИДА КОМПЛЕКС ҚЎШИМЧАЛАР.**

☑ Қандолатчилик маҳсулотларини яхшиловчи «Московский» қўшимчаси

турли хилдаги ***печенье, вафли, кекс ва рулетларни*** ишлаб чиқариш учун.



☑ Қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун «Московская» пастаси

***бисквит, рулет, торт, пирожний, крем*** ишлаб чиқариш учун.



Бу қўшимчалардан фойдаланиш қуйидаги натижаларга олиб келади:
- *тайёр маҳсулот нархининг пасайтирилишига;*
- *ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш ва енгиллаштиришга;*
- *маҳсулот таъми, кўриниши ва ҳажмини оширишга;*
- *ишлатиш муддатини ошириб, қотиб қолишга ва пўканаклашга йўл қўймасликка.*

Ҳар хил шароитда ва турли ускуналарда қўлланиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил бўйича олишингиз мумкин: ООО «S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES», Тошкент шаҳри, «Катортол» кўчаси, 60. Тел.: 173-53-56, факс: 173-53-57, e-mail: siftech@sarkor.uz

2630Н/893


## 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

***Инсонга хос жуда кўп хислат ва одатлар бор. Бироқ уларнинг орасида сахийлик, ҳотамтойлик, меҳр-мурувватнинг ўрни алоҳида. Юртбошимиз бу ажойиб фазилатлар ҳақида тўхталиб, “Ҳомийларни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз” дея таъкидлаган эди.***

# Қўли очиқнинг йўли очиқ

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида жамиятнинг илғор синфи — тадбиркорлар эндиликда ҳомийлик борасида ҳам пешқадамликни қўлдан бермаётирлар. Йўл-йўлкаларни созлаш дейсизми, мактаб, ўқув даргоҳларини қуриш дейсизми ёки бўлмаса, қишлоқ врачлик пунктларини зарур тиббиёт жиҳозлари билан таъминлашни, қўйингки, қаерда савобли юмуш бўлса, ҳозиру нозирдирлар. Эл-улус ҳам улардан миннатдор бўлиб, “Бирингизга минг берсин” деб дуо қилмоқда.

Одатда, халқимизга хос хислатлар хусусида гап кетганда, даставвал, камтарлик тилга олинади. Мулоқотларимиз давомида ҳам тадбиркорлардан кўрсатган ҳиммат, мурувватлари хусусида сўраганимизда, улар камтарона, “Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин” тарзида жавоб қайтардилар.

— Халқимизда “Яхшилик — иззат, сахийлик — улуғлик келтиради” деган нақл бор, — дея гап бошлади Навоий шаҳридаги “Ортомедфармсервис” масъулияти чекланган жамияти директори Фахриддин Баротов. — Ўз фаолиятимизни, турмуш тарзимизни ана шу ақидага амал қилиб олиб боришга интиляпмиз. Аввало, фаолиятимиз хусусида қисқача тўхталадиган бўлсак, корхонамиз Германиянинг “Отто Бокк” фирмаси технологияси асосида протез маҳсулотлари, ортопедик, мавсумий оёқ кийимлари, бандажлар, ногиронлар аравачаси каби ўндан ортиқ турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Хусусан, ўтган йили корхонамиз томонидан 10 мингга яқин ногиронга 300 хилдаги даволаш-профилактик маҳсулотлари етказиб берилди. Салкам 40 млн. сўмлик маҳсулот сотувга чиқарилди. Эндиликда маҳсулотларимизга хориждан ҳам буюртмалар тушмоқда. Хусусан, Туркия давлатига протез маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик.

“Кийган тўнинг — эскиради, кийдирганинг — унутилмайди”, — дейди доно халқимиз. Шундан хулоса қилиб, ногирон, кам таъминланган, муҳтож кишилар кўнглини баҳоли қудрат кўтаришга интиляпмиз. Ўтган йили эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлик ёрдами сифатида 8 млн. сўмлик протез-ортопедик маҳсулотлари етказиб бердик. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида эса, «Меҳрибонлик уйлари»га, кам таъминланган оилаларга, Оролбўйи ҳудудининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламига 15 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, Навоий шаҳрида замонавий тиббий диагностика марказини қуриш, маҳаллийлаштириш дастури асосида киритилган тери хомашёсини қайта ишлайдиган (“БАУБР” немис фирмаси билан ҳамкорликда) заводни ишга тушириш пайида юрибмиз. Табиийки, ушбу иншоотлар тўла қувват билан ишлай бошлагач, иқтисодиётимиз мустаҳкамланиши билан бир қаторда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш салмоғи ҳам ортади.

— Мамлакатимиз раҳбарияти ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар етказишга алоҳида эътибор бермоқда, — дейди Бухоро шаҳридаги “Шаҳбоз-Шаҳром” хусусий корхонаси раҳбари Муҳаббат Тешаева. — Биз ҳам ана шу ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб, 1998 йилда корхонамизга асос солгандик. Ҳозирда сунъий толали калава ипдан тўшама гилам ва гилам маҳсулотлари, синтетик пол тўшамалари (полос) ишлаб чиқараяпмиз. Корхонамиздаги ускуна ва жиҳозлар дунёнинг етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилгани маҳсулотларимиз сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Албатта, жаҳон бозорида табиий хомашёдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб юқори. Биз ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб жунни қайта ишлаб, ундан гилам ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Айни чоғда жамоада 430 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган ҳамюртларимизга имкон қадар ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, айнан шу мақсадда корхонамиз қошида юридик мақомга эга бўлган “Фарангиз” хайрия жамғармаси ташкил этилди. Ҳозиргача жамғарма томонидан ногирон, кам таъминланган фуқароларга ва бошқа хайрли, савобли тадбирларга 30 млн. сўмликдан ортиқ ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, Бухоро шаҳридаги тиббиёт коллежи, 2, 17, 24- ва 27-умумтаълим мактабларининг аълочи ва иқтидорли ўқувчиларини рағбатлантириш мақсадида “Шаҳбоз” стипендияси жорий қилинди. Яна бир гап. 32-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиси Галина Шинкоренко корхонамиз ҳомийлигида камолга етмоқда. Яъни, у таълим олаётган Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институтига тўлов-шартнома пулини тўлиқ ўтказиб бердик. Ҳатто, қизимизни иш билан таъминлаб, унинг яшаш шароитини ҳам яхшиладик.

Мухтасар қилиб айтганда, савобли, хайрли амалларни қанча кўп адо этсак, ишимиз шунча олға босмоқда. Мана, мисол учун, Германиянинг “DILO” компанияси билан тузилган шартномага кўра, жорий йилнинг кузигача бир кеча-кундузда 45 минг кв.м. синтетик пол тўшамаси ишлаб чиқарадиган, “Ноймат” компанияси билан имзоланган шартномага асосан эса йил охиригача бир кеча-кундузда 12 минг кг. синтетик ип ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар ишга туширилади. Ҳозирда россиялик ҳамкорлар билан ҳам музокаралар олиб борилмоқда. Бу — яқин орада яна юзлаб янги иш ўринлари яратилади ва ҳамюртларимиз рўзғорига барака киради, деган.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**


**ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ**

**Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS**



ГАЗ-31105, «ВОЛГА»



ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли



ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли



ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли



ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ – ТУРЛИЧА



ГАЗ-3307 Автоэвакуатор



ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА



KAMMAZ ARSENAL

юк машиналари учун **ШИНА** таклиф этади

Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., «Братислава» к., 11 (мўлжал — Бобур боғи)


Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА жамоаси агентлик ходимаси Азиза Ўринхўжаевага отаси
**Хайриддин САЛИМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти етакчи мутахассиси
**Абдураҳмон ИСОЖОНОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ЎзР ФА «Ботаника» ИИЧМ жамоаси академик Ҳотам Самиевга опаси
**Раҳимахон ҚУРБОНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзэлектртармоқ» УК жамоаси юридик бўлими бошлиғи
**Ғуломжон Мираимович МЕЛИЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жамоаси «Ўзбектелеком» АК «Сирдарё Телеком» филиали директорининг ўринбосари
**Бутанбой ВАИСОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Биокимё институти жамоаси лаборатория мудири, биология фанлари доктори Дилбар Қодировага онаси
**Лолахон ая СОДИҚОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар
Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 23456